

“ТАСДИҚЛАНГАН”
“Тадбиркорликни ривожлантириш
компанияси” акциядорлик жамияти
Кузатув кенгашининг
2024 йил “29” февралдаги
2/24 - сон йиғилиш баёнига
3 – илова

*(Кузатув кенгашининг 2024 йил
“29” апрелдаги 6/24- сон, “2” октябрдаги
9/24- сон ва “15” ноябрдаги 10/24- сон йиғилиш
баёнлари билан ўзгартириш ва қўшимчалар
киритилган)*

**“ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОМПАНИЯСИ”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН КРЕДИТ (ЛИЗИНГ)
АЖРАТИШ УЧУН РЕСУРС ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ
ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМ**

“КИРИТИЛДИ”
“Тадбиркорликни ривожлантириш
компанияси” акциядорлик жамияти
Ижроия органи

Тошкент – 2024 йил

МУНДАРИЖА

1-боб. Умумий қоидалар

2-боб. Ҳамкор ташкилотларга ресурс бериш тартиби ва шартлари

3-боб. Тақдим этилган ресурслар бўйича фоизлар ва тўловлар

4-боб. Яқунловчи қоидалар

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 10 ноябрдаги ПФ-193-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 29 сентябрдаги 27/4-сон қарори билан тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 29 сентябрда (3460-сон билан) рўйхатдан ўтказилган “Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги Низом”и ва “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Компания) устави асосида ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Низом тижорат банклари, лизинг ва микромолия ташкилотларига Компания томонидан ресурс ажратишга оид муносабатларни тартибга солади.

3. Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ресурс — кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари ҳамда ўзини ўзи банд қилган шахслар лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида Компания томонидан тижорат банклари, лизинг ва микромолия ташкилотларига тақдим этиладиган қарз (заём) ва мақсадли молиялаштириш маблағлари;

ҳамкор ташкилотлар – компания билан ресурс тақдим этиш йўналишида ҳамкорлик қилувчи тижорат банклари, лизинг ва микромолия ташкилотлари;

тижорат банки — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият юритаётган ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тегишли лицензиясига эга бўлган тижорат ташкилоти;

лизинг ташкилоти — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган ва фаолият юритаётган лизинг хизматини кўрсатувчи юридик шахс (бунда ресурс тақдим этиш юзасидан шартнома тузилаётган пайтда ҳисобрақам айланмасининг 90 фоизи лизинг операциялардан иборат бўлиши лозим);

микромолия ташкилоти — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган ва фаолият юритаётган микромолиялаш фаолиятини амалга оширувчи, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тегишли лицензиясига эга бўлган юридик шахс;

буюртма –эълон қилинган йўналишлар бўйича тижорат банки, лизинг ва микромолия ташкилотларининг ресурс бўйича сўрови;

ресурс тақдим этиш шартномаси — бу Компания ва тижорат банклари, микромолия ва лизинг ташкилотлари ўртасидаги томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайдиган ресурс тақдим этиш бўйича шартнома;

лойиҳа — тадбиркорлик фаолиятидан иқтисодий, ижтимоий ва бошқа манфаат кўриш мақсадида амалга ошириладиган тадбирлар ва ишлар мажмуи;

эълон – ресурс ажратиш ёрдамида тақдим этиш юзасидан Компания томонидан хабар бериш жараёни;

кредит — қарз олувчи лойиҳаларини молиялаштириш учун мақсадлилиқ, тўловлилиқ, муддатлилиқ, таъминланганлик ва қайтариш тамойилларида тижорат банки томонидан ажратиладиган маблағ;

ЛИЗИНГ — молиявий ижаранинг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномасида шартлашилган мол-мулкни (лизинг объектини) мулк қилиб олади ва уни лизинг олувчига шу шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгалик қилиш ҳамда фойдаланиш учун ўн икки ойдан ортиқ муддатга беради;

микрокредит – тадбиркорлик субъекти ёки ўзини - ўзи банд қилган шахс бўлган қарз олувчига тўловлилик, муддатлилик ва қайтариш, шунингдек шартномада назарда тутилган ҳолларда тижорат банки ва микромолия ташкилоти томонидан муайян мақсадлар учун фойдаланиш шартларида уч юз миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда пул маблағларини қарзга бериш;

исломий молиялаштиришга оид хизматлар – ҳамкор ташкилотлар томонидан исломий молиялаштиришга оид стандартларга мувофиқ амалдаги қонунчилик меъёрлари доирасида кўрсатиладиган хизматлар;

исломий молиялаштиришга оид стандартлар – Исломий молия институтлари учун бухгалтерия ҳисоби ва аудит ташкилоти (ААОИҒ) томонидан тасдиқланган стандартлар;

Муаммоли активлари (NPL) — сифати “қониқарсиз”, “шубҳали” ва “умидсиз” деб таснифланган активлар улуши;

яхши кредит тарихи — лизинг ва микромолия ташкилотларининг КАТМ скоринг маълумотномаси бўйича “В” ва ундан юқори тоифасида таснифланган рейтинг кўрсаткичи;

Компаниянинг ваколатли органи – буюртмани кўриб чиқиб, уларга ресурс жойлаштириш бўйича қарор қабул қилувчи Компаниянинг коллегиял органи (тегишли буйруқ асосида тайинланади);

“Тадбиркор” ахборот тизими (кейинги ўринларда – Ахборот тизим) – электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда қуйидагиларни амалга ошириш имкониятига эга бўлган ахборот тизими:

Компания молиявий ёрдамларидан фойдаланиш тўғрисида буюртмаларни қабул қилиш ва улар бўйича қабул қилинган қарорларни электрон тарзда етказиш;

Компания молиявий ёрдамларидан фойдаланиш тўғрисида электрон шартномалар ва ҳисоботлар тузиш, ўзаро маълумотлар алмашиш мақсадида Солик қўмитаси, Статистика агентлиги, ҳамкор ва бошқа ташкилотлар ахборот (маълумот) базаси билан интеграциясини амалга ошириш;

Ҳамкор ташкилотларга Компаниянинг Ахборот тизими орқали реал вақт режимида буюртмаларнинг кўриб чиқилиши ҳамда бажарилиши ҳолатини кузатиб бориш имконини бериш.

Компания томонидан ҳамкор ташкилотларига кредит ресурсини тақдим этиш ва жараённи мувофиқлаштириб бориш ишлари тегишли бўлим томонидан амалга оширилади.

2-боб. Ҳамкор ташкилотларга ресурс бериш тартиби ва шартлари

4. Мазкур Низомга асосан Компания томонидан кредит (лизинг, микрокредит) ва исломий молиялаштириш (лизинг, ишончли бошқарув,

шерикчилик, насия савдо) учун ресурс ажратилади ва мазкур низомнинг 1-илоvasида келтирилган схема асосида тақдим этилади.

5. Компания Кузатув кенгаши ресурслар тақдим этилмайдиган йўналишларни белгилайди.

6. Компаниянинг молиявий ресурс тақдим этиш манбалари бўлиб, хорижий молия ташкилотлари маблағлари, ресурс тақдим этишдан олинган даромадлар, бюджет ссудаси, халқаро ва маҳаллий донорлардан жалб қилинган маблағлар, бўш турган ўз маблағлари, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Ресурс тақдим этиш шартномасини расмийлаштириш жараёни қуйидаги асосий босқичларга бўлинади:

Компания ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳамда “яшил” ва энергия самарадор технологияларни жорий қилиш бўйича инвестиция ва айланма маблағларни тўлдиришга қаратилган лойиҳаларига молиявий ресурс тақдим этилиши юзасидан ўзининг расмий веб сайти ва ижтимоий тармоқлари орқали эълон беради ёки ҳамкорларга хабар берилади;

ҳамкор ташкилотлар томонидан молиявий ресурсдан фойдаланиш юзасидан буюртмани ҳамда ҳужжатларни Ахборот тизим ёки электрон манзил орқали тақдим этади.

Ушбу ҳужжатлар тўлиқлиги ва ҳаққонийлигига ҳамкор ташкилотлар ва/ёки уни имзолаган ваколатли шахс жавоб беради.

Тақдим қилинган ҳужжатлар Низомнинг 2-иловада кўрсатилган талаблардан келиб чиқиб молиявий ресурс тақдим этиш билан шуғулланувчи бўлинма томонидан тегишли хулоса расмийлаштирилади ва Компаниянинг ваколатли органи муҳокамасига киритилади.

Компаниянинг ваколатли органи томонидан келиб тушган буюртмалар ва тегишли ҳужжатлар асосида мақбул буюртмалар танлаб олинади.

Исломий молиялаштиришга оид хизматларни амалга ошириш учун ресурсларни ажратишда, исломий молия бўйича мустақил экспертлар билан келишилган бўлиши шарт.

8. Компания томонидан хизматлар ипотекаси, улуш киритиш ва бошқа шу каби тўғридан-тўғри ёрдамларни тадбиркорлик субъектларига тақдим этилганда, уларнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳамда “яшил” ва энергия самарадор технологияларни жорий қилиш лойиҳалари учун жумладан, ер майдонларини сотиб олиш, бино-иншоотларни қуриш, айланма маблағлар билан таъминлаш ва таъқиқланмаган йўналишларга Компаниянинг ресурслари ҳисобига ҳамкор ташкилотлар орқали кредит (лизинг)лар ажратилиши мумкин.

9. Компания ресурслари мазкур Низомнинг 3-илоvasида кўрсатилган миқдор ва шартлар асосида ажратилади.

10. Компания томонидан ижобий қарор қабул қилинганидан сўнг ҳамкор ташкилотларга ресурс тақдим этиш учун юзасидан шартномаси тузилади.

11. Компания томонидан ресурс тақдим этилмайдиган йўналишлар 4-иловада келтирилган.

12. Компания томонидан тақдим этилган ресурсларидан фойдаланиш даври узайтирилмайди.

13. Компания томонидан тақдим этилган ресурслар ҳисобидан ажратилган кредитлардан мақсадли фойдаланилиши ҳамкор ташкилотлар томонидан ўрганиб борилади.

Ресурс маблағларидан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланганда ҳамкор ташкилотлар томонидан 3 кун муддатда ресурс муддатидан аввал қайтариб берилади.

14. Компания томонидан молиявий ресурс тақдим этилиши учун:

- а) ҳамкор ташкилотларнинг буюртмаси;
- б) актив ва мажбуриятлари тўғрисидаги асословчи маълумот.
- в) гаров таъминоти (тижорат банклари бундан мустасно).

Компания томонидан заруриятга қараб қўшимча ҳужжатлар сўралиши мумкин.

15. Лизинг ва микромолия ташкилотларига молиявий ресурс ажратилишида гаров таъминоти сифатида лизинг объекти, кредит (лизинг) портфели, бино-иншоотлар, мулкый мажмуалар, асбоб-ускуналар, автотранспорт воситалари, махсус техникалар, пул маблағлари, қимматбаҳо металллар, қимматли қоғозлар, ер ёки мулкка эгалик ва фойдаланиш ҳуқуқлари ҳамда бошқа таъминотлар қабул қилиниши мумкин.

Гаров мулки нарҳини аниқлашда мустақил баҳоловчининг баҳолаш ҳисоботи асос бўлади (ресурс қайтмаслик хатарини суғурта қилиш бундан мустасно). Гаровга қабул қилинган мулк суғурта қилиниши лозим.

16. Гаровга қўйилган мол-мулкка ундирувни қаратиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, “Гаров тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ амалга оширилади.

17. Гаров таъминоти сифатида қуйидагилар қабул қилинмайди:

ишлаб чиқариш муддати 1 йилдан ошган кўчар мулклар;
ташкилот ҳудуди ичида жойлашган ва қурилишнинг бевосита қизил чизиғига чиқиш имкони бўлмаган бино-иншоотлар ва ерлар;

умумий ер майдонида жойлашган ва турли мулкдорларга тегишли бўлган иморатлар ва ерлар;

мустақил баҳоловчи ташкилот томонидан эскириш даражаси 60 фоиздан кўпроғини ташкил этилганлиги белгиланган асбоб-ускуналар;

мажмуанинг умумий технологик занжиридан мустақил равишда фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган алоҳида ускуналар;

бошқа бинолар билан умумий конструкциявий унсурларга эга иншоотлар ва ерлар;

ўзининг тарихий, маданий ёки бошқа қиймати туфайли, ёхуд бошқа сабабларга кўра гаровга қўйилиши, давлат тасарруфидан чиқарилиши, хусусийлаштирилиши ва қайтариб олинishi мумкин бўлмаган мулк;

қонунчиликка биноан ундирилиши таъқиқланган фуқаролар мулкининг алоҳида тури.

3-боб. Тақдим этилган ресурслар бўйича фоизлар ва тўловлар

18. Ресурс тақдим этиш шартномаси бўйича ҳамкор ташкилотлари томонидан Компанияга тўланадиган ҳар қандай тўловлар (бошқа мажбурий қоидалар

мавжуд бўлмаганда) ҳамкор ташкилотининг мажбуриятларини бажариш учун куйидаги кетма-кетликда йўналтирилади:

- а) муддати ўтган фоиз ёки фойдадаги улуш;
- б) муддати ўтган асосий қарз ёки молиялаштириш суммаси;
- в) муддатли фоиз ёки фойдадаги улуш;
- г) муддатли асосий қарз ёки молиялаштириш суммаси;
- д) ҳисобланган жарима ва пенялар.

19. Ресурс тақдим этиш шартномаси бўйича ҳамкор ташкилотлари томонидан тўланиши лозим бўлган ҳар қандай тўлов Ўзбекистон Республикасида ишланмайдиган кунга тўғри келадиган бўлса, бундай тўлов кейинги иш кунда, шу жумладан фоизларни ҳисоблаш ишланмайдиган кунда ҳам амалга оширилиши керак.

20. Компания томонидан ресурслар тижорат банклари томонидан миллий валютада ажратиладиган кредит (лизинг)лар бўйича ресурс фоизи Марказий банкнинг асосий ставкасидан паст бўлмаган ставкада, хорижий валютада ажратиладиган кредит (лизинг)лар бўйича ресурс Компания Кузатув кенгаши томонидан белгиланган ставкада жойлаштирилади.

21. Компания Кузатув кенгаши лизинг компаниялари ҳамда микромолия ташкилотлари томонидан миллий ва хорижий валютада бериладиган кредит (лизинг)лари бўйича ажратиладиган ресурс миқдори ва шартларини белгилайди.

22. Асосий қарзни қайтариш ва ресурслар бўйича ҳисобланган фоизларни ҳамда фойдадаги улушларни тўлаш ўзаро тузилган Ресурс тақдим этиш шартномасининг тўлов жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

23. Компания ресурслари бўйича ресурс суммаси ва унга ҳисобланган фоизлар, шунингдек фойдадаги улушлар қарз олувчидан ҳақиқатда ундирилишидан қатъи назар ҳамкор ташкилотлар томонидан Ресурс тақдим этиш шартномасининг тўлов жадвалида белгиланган муддатларда Компанияга тўланади.

Бунда, тақдим этилган ресурс бўйича фоизлар миллий валютада йиллик базавий давр — 365 кундан, хорижий валютада базавий давр – 360 кундан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб ёзилади. Ресурслар бўйича фоизлар куйидаги формулага биноан ҳисобланади:

$\text{Ресурс қолдиғи} * \text{фоиз ставкаси} * \text{амалдаги кунлар сони} / 365 \text{ ёки } 360.$
--

4-боб. Яқунловчи қоидалар

24. Ушбу Низомга ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритиш Компания Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

25. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

26. Ушбу Низомни амалга оширишда юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, шу жумладан суд тартибида ҳал этилади.

“Тадбиркорликни ривожлантириш
компанияси” акциядорлик жамияти
томонидан кредит (лизинг) ажратиш учун
ресурс жойлаштириш тартиби
тўғрисидаги Низомга
1-илова

**“Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти томонидан ресурс тақдим этиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Ижро муддати
1-босқич	Компания	Компания томонидан унинг расмий веб сайти ва ижтимоий тармоқлар ёки бошқа алоқа шакллари орқали ресурс ажратилган йўналишлар кўрсатилган ҳолда хабар берилади.	Заруратга кўра
2-босқич	Ҳамкор ташкилотлар	Ахборот тизими ёки электрон почта ва бошқа алоқа воситалари орқали буюртма ҳамда зарурий ҳужжатларни тақдим этади.	10 иш куни
3-босқич	Компания	Келиб тушган буюртмалар ва тегишли ҳужжатлар кўриб чиқилиб, ресурс тақдим этиш ёки уни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.	5 иш куни
4-босқич	Компания, ҳамкор ташкилотлар	Ижобий қарор қабул қилинганидан сўнг ҳамкор ташкилотлар билан Компания ўртасида ресурс тақдим этиш шартномаси тузилади.	5 иш куни

“Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти томонидан кредит (лизинг) ажратиш учун ресурс жойлаштириш тартиби тўғрисидаги Низомга 2-илова

Ҳамкор ташкилотларга ресурс бериш учун уларга қўйилган талаблар:

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган ва фаолият юритаётган;
2. Тугатилиш босқичида бўлмаган, уларга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатилмаган;
3. Мурожаат санасида кредитлар (лизинг, банк кафолати, аккредитив) ва солиқлар бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлиги мавжуд бўлмаган (тижорат банклари бундан мустасно);
4. Илгари суд жараёнига ўтган қарздорлик вужудга келмаган (тижорат банклари бундан мустасно);
5. “D” ва ундан паст кредит тарихи ва Компания ёрдамлари бўйича салбий тарихга эга бўлмаган (тижорат банклари бундан мустасно). Бунда кредит тарихи КАТМ кредит бюроси маълумотлари асосида аниқланади;
6. Сўнгги ҳисобот йили даври учун молиявий натижаларга кўра фаолиятини зарар билан якунламаган;
7. Лизинг ташкилотлари ташкил этилгани ва фаолият юритаётганига 2 йилдан кам бўлмаган ва ижобий аудит хулосаси мавжуд бўлган (Ислом молияси асосида фаолият юритаётган лизинг компаниялари бундан мустасно);
8. Микромолия ташкилотлари етарли даражада устав капитали шакллантирилган ва ижобий аудит хулосаси мавжуд бўлган;
9. Марказий банк томонидан эълон қилинган ва/ёки ўзи томонидан тақдим этилган маълумотларига кўра NPL кўрсаткичи 5 (беш) фоиздан ошмаган;
10. 2-сон картотека бўйича қарздорлиги мавжуд бўлмаган (тижорат банклари бундан мустасно);
11. Лизинг ташкилотларининг банк ҳисобрақам айланмасининг 90 фоизи лизинг операциялардан иборат бўлган;
12. Тижорат банкларида халқаро рейтинг агентликлари томонидан “барқарор” рейтинг баҳоси мавжуд бўлган;
13. Микромолия ташкилоти капиталининг етарлилик коэффициенти 10%дан кам бўлмаган;
14. Микромолия ташкилотининг барча йирик таваккалчиликларининг (жами суммаси хусусий капиталнинг 10 фоизи ва ундан юқори бўлган бир қарз олувчи ёки ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳига доир таваккалчиликлар) умумий миқдори микромолия ташкилоти хусусий капиталининг 5 баробаридан ошмаган.

**Ушбу талабларни бажараолмаган ҳамкорларга ушбу талабларни бажара олган давлат тижорат банкининг кафолати остида ресурс ажратилиши мумкин.*

“Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти томонидан кафилик тақдим этиш тўғрисидаги Низомга
3-илова

“Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти томонидан тақдим этиладиган молиявий ресурслари ҳисобидан кредит (лизинг) ажратиш МИҚДОРИ ВА ШАРТЛАРИ

Т/р	Ресурс олувчилар	Тадбиркор тоифаси	Қўллаб-қувватлаш миқдори ва муддати
1	Тижорат банклари	Кичик тадбиркорлик субъектлари	1,5 миллиард сўмгача бўлган миқдорда миллий ва хорижий валютада, 7 йил муддатгача
		Ўрта тадбиркорлик субъектлари	5 миллиард сўмгача бўлган миқдорда миллий ва хорижий валютада, 7 йил муддатгача
2	Лизинг компаниялари	Кичик тадбиркорлик субъектлари	1 миллиард сўм сўмгача миллий ва хорижий валютада, 5 йил муддатгача
		Ўрта тадбиркорлик субъектлари	5 миллиард сўмгача миллий ва хорижий валютада, 5 йил муддатгача
3	Микромолия ташкилотлари	Кичик тадбиркорлик субъектлари ҳамда ўзини ўзи банд қилган шахслар	300 миллион сўмгача миллий ва хорижий валютада, 3 йил муддатгача

* Компания Ижроия органи томонидан ҳамкор ташкилотларнинг тақлифига асосан ресурс жойлаштиради.

** Тижорат банкларига ресурс манбаси фоиз ставкаси + бир фоиз Компания маржасидан кам бўлмаган ҳолда ресурс жойлаштирилади.

*** Лизинг компаниялари ва микромолия ташкилотларига ресурс манбаси фоиз ставкаси + икки фоиз Компания маржасидан кам бўлмаган ҳолда ресурс жойлаштирилади.

**** Исломий молиялаштиришга оид ресурслар бўйича прогноз қилинадиган фойда маржаси йиллик 4 фоиздан кам бўлмаслиги лозим.

***** Компания томонидан лизинг компаниялари ва микромолия ташкилотларига жойлаштирилган ресурс ҳисобига ажратиладиган кредит (лизинг)лар учун Компаниянинг бошқа молиявий ёрдами кўрсатилмайди.

“Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти томонидан кредит (лизинг) ажратиш учун ресурс жойлаштириш тартиби тўғрисидаги Низомга 4-илова

Компания томонидан молиявий ресурс тақдим этилмайдиган йўналишлар:

- қиморхона ва биллиардхоналар, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва (ёки) улар савдосини ташкил этиш;
- улгуржи савдони ташкил этиш ва фаолиятини юритиш;
- алоҳида ташкил этиладиган умумий овқатланиш ва автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари бино ва ускуналари (бундан савдо ва сервис, йўл бўйи инфратузилма объектлари, жумладан комплекс таркибида автомобилларга ёнилғи қуйиш, савдо ҳамда умумий овқатланиш шохобчалари фаолиятини ташкил этиш, “яшил” технологияларни, жумладан электромобилларни қувватлантиришда фойдаланиладиган бино ва ускуналари мустасно);
- илгари олинган кредит (лизинг)ларни ёки бошқа ҳар қандай қарзни қайтариш;
- суғурта компаниялари фаолиятини ташкил этиш;
- ёрдам кўрсатилаётган лойиҳалар бўйича ишлаб чиқаришда иштирок этмайдиган енгил автотранспорт воситаларини харид қилиш.
- қишлоқ хўжалиги йўналишида амалга ошириладиган лойиҳалар (бундан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва қадоқлашда фойдаланиладиган бино ва ускуналар мустасно).

**Ушбу йўналишлардан бошқа йўналишларга молиявий ресурс тақдим этилиши Компания томонидан кўриб чиқилади.*